



Сиёсий ошкоралик, очиқ жамият барпо этиш - коррупциянинг олдини олишдаги муҳим давлат стратегиясидир

НДПИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мустакил татқиқотчиси Латипов Сардор
Шавкатович

Аннотация. Ушбу мақолада коррупцияни олдини олишда очиқлик сиёсатини юритиши, давлат органлари қонун устуворлигини таъминлаши ҳамда ҳалоллик, холислик ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар. Ошкоралик, ҳаққонийлик, холислик, ҳалоллик, фидокорлик, раҳбарлик, коррупция, демократия, жиноятчилик, пора, иллат ва жамият.

“Очиқ жамият” нима? Очиқ жамият ҳеч кимнинг ҳақиқат монополиясига эга амаслигини тан олади. Фуқаролар ҳукумат олиб бораётган сиёсатни ва ўз мамлакатларнинг келажақдаги йўналишини фаол муҳокама қилишлари мумкин. Бундай жамиятда эркинлик мумкин қадар таъминланган ва айни пайтда заиф ҳамда камбағал кишилар ҳимояланган бўлади. Уюшмалар тузиш эркинлиги ва сўз эркинлиги қонун томонидан кафолатланади. Бундай жамиятлар том маънодаги демократиянинг ягона фаолият майдонига эмас, улар ҳар қандай давлатдаги демократик тараққиётнинг бир қисми бўлишлари мумкин. Очиқ жамият тушунчаси замонавий сиёсий лугатга биринчи маротаба 20-асрнинг энг нуфузли китобларидан бирининг чоп этилиши билан кириб келди. Карл Поппернинг 1945 йилдаги “Очиқ жамият ва унинг душманлари”-деб, номланган оламшумул тадқиқоти коммунизмнинг инқирозга учрашишини башорат қилди ва сиёсий тизимларининг камчиликларни очиб ташлади. У имкон қадар эркинлик берилишини ёқлаб чиқди ва шу билан бир вақтнинг ўзида “биз иқтисодий жиҳатдан заиф табақаларни ҳимоя қилиш учун ҳукумат томонидан қонуний куч берилган ижтимоий институтларни ҳам барпо этишимиз керак...” деб айтди.



Лекин, узок ўтмишга назар ташлаб қадимий Юнонистонда ҳам очиқ жамиятлар мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин. Эрамиздан аввалги 462-429- йилларда Афинада яшаб ўтган афсонавий йўлбошчи **Перикл** башорат қилган жамият бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. У, қўйидагиларни билдирган: “Бизнинг шаҳар дунё учун ланг очиқ, биз ҳеч қачон бегоналарни ҳайдамаймиз. Биз қандай яшасак шундай яшаш хукуқига эгамиз, лекин биз доимо хафв-хатарни қарши олишга тайёрмиз. Ўз қашшоқлигини тан олиш биз учун уят эмас, лекин биз камбағалликни олдини олиш учун ҳаракат қилишга уринмасликни шармандалик деб ҳисоблаймиз... Биз давлатга бефарқ муносабатда бўлган кишини безарар эмас, балки бефойда деб ҳисоблаймиз ва фақатгина бир нечтагина кишилар сиёсатни ишлаб чиқсада, биз барчамиз унга ўз фикримизни билдира оламиз ”

Бугунги кунда очиқ жамиятнинг олдида ҳал қилиниши керак бўлган янги муракаб вазифалар турибди. Коррупцияга қарши кураш ривожланаётган давлатларнинг энг мушкул муаммоларидан бири ҳисобланади. Фуқаролар ва сайланган йўлбошчилар Жаҳон банки “давлатни босиб олиш” ҳодисаси деб тасвирлаган бу иллатга қарши узок вақтлардан буён курашиши. Уюшган жиноий гурӯҳлар ва олигархлар давлат ишларига аралашганларида ёки сотқин раҳбар ходимлар ўз лавозимларини сустеъмол қилиб, даромад келтирадиган ишларни молиялаштирганларида ана шундай ҳодисалар содир бўлади. Бу иллатнинг узок муддатли таъсирлари ҳалокатлидир. Лекин уларни олдини олиш мумкин. Муваффақиятли очиқ жамият куришда маълумотлардан фойдаланишини кафолатлаш энг муҳим элемент ҳисобланади. Сўз эркинлиги ва уюшмалар тузиш эркинлиги ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Фуқаролар кундалик турмушдаги муаммоларни муҳокама қила олишлари ва улар бундай ҳуқуқларга эга бўлсалар ўз норозиликларни тинч намойишлар кўринишида ифода эта олишлари керак. Ўз навбатида, хокимят тепасидагилардан фуқароларни ташвишга солган муаммоларга қулоқ солишлари кутилади. Қонун чиқарувчилар жамоатчилик орасида ўтказиладиган учрашувларда қатнашишлари ва уларнинг қўмитаси ўтказадиган йиғилишлар барча учун очиқ бўлиши керак. Ушбу жараёнларни мустахкамловчи омил – бу жонли, мустақил жамоатчилик ишончига



кирган кишиларни очик жамият стандартлари даражасида тутиб турға оладиган, бунга тайёр ва буни ҳохлайдиган оммавий ахборот воситаларидир. Давлат оммавий ахборот воситаларининг у ёритаётган сиёсатни танқид қилиш хуқуқи борлигини ва жамотчиликнинг бу танқидни қўллаб қувватлашни тан олиши керак. Сиёсатчилар оммавий ахборот воситалари билан мулоқот қилишга тайёр бўлишлари лозим. Бундай жамиятда янгиликни қабул қилувчи истеъмолчилар тўғри хабардор қилинишлари учун оммавий ахборот воситалари барча ахборотларни адолатли ва холисона тарзда ғалвирдан ўтказишни ўз зиммасига олади. Ахборотларни бу йўл билан узатишдан қўзланган мақсад аниқ, яъни – коррупцияни химоялашдир. Мунтазам жамоатчилик диққат эътиборида бўлган сиёсий раҳбарлар жамоатчилик манфаатини қўзлаб, вижданан иш юритишга ва ўз манфаатларини жамоатчилик манфаатларидан устун қўймасликка мойил бўладилар.

Ўз давлат ходимларини шундай стандартларда тутиб турешга интилиб келган Бирлашган Қироллик 1994 йилда давлат хизматида бўлганлар учун Ахлоқ кодексини жорий қилди. Лорд Нолан раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган жамият ҳаётининг қуидаги етти принципи сиёсат, тарих ва маданият соҳасидаги фарқлардан қатъий назар кенг қўлланилиши мумкин:

Фидокорлик – давлат ходимлари фақатгина жамоатчилик манфаатларини қўзлаган ҳолда қарорлар қабул қилишлари лозим. Улар бу ишларни ўзлари, оиласлари ёки дўстларининг молиявий ёки моддий манфаатларини қўзлаб қилмасликлари керак.

Ҳалоллик – давлат ходимлари ўз касбий вазифаларини бажаришларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чет шахслар ёки ташкилотлар олдида ўзларини молиявий ёки бошқа томондан тобе ёки муте ҳолатга қўймасликлари керак.

Холислик – давлат лавозимига тайинлаш, шартномаларни бериш ёки одамларни мукофот ва ёрдам пулларига тавсия қилиш каби давлат ишларини олиб борища, давлат ходимлари вазиятга тўғри баҳо берган ҳолда қабул қилишлари керак.



Жавобгарлик – давлат ходимлари ўз қарорлари ва ҳаттти-харакатлари учун жамоатчилик олдида жавобгардирлар ва ўз лавозимларига мос келадиган ҳар қандай текширувларга йўл қуишилари керак.

Ошкоралик – давлат ходимлари қарор қабул қилишда ва ҳатти харакатларида имкон қадар очик-ойдин бўлишлари керак. Улар нима сабабдан у ёки бу қарорни қабул қилганликларини тушунтиришлари ва кенг жамоатчилик манфаатига путур этиши аниқ бўлган ҳолларда маълумотни чеклашлари лозим.

Ҳаққонийлик – ўз вазифаларига тегишли бўлган ҳар қандай шахсий манфаатлари ҳақида хабар бериши ва жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида келиб чиқадиган ҳар қандай келишмовчиликларни бартараф қилиш чораларни кўриш давлат ходимларининг бурчи ҳисобланади.

Рахбарлик – давлат ходимлари бу тамойилларни раҳбарлик ва намуна кўрсатиш орқали рағбатлантиришлари ва қўллаб-қувватлашлари керак.

Ахлоқ нормалари – вазирлар, қонун чиқарувчилар, давлат ходимлари ва ташқи алоқалар билан шуғилланувчи ходимлар, адлия тизими ва маҳаллий ҳукумат давлатларига мазкур тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда ёрдамлашишлари мумкин. Шунингдек, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идораларини фуқароларга маълум даражада хизмат кўрсатилмаган бўлса, шикоятларининг кўриб чиқилишига кўмаклашишга мажбур қиласди.

Фуқаролар ҳукуматнинг молиявий алоқалари бўйича тўла маълумотга эга бўлиш учун, давлат билан тузиладиган шартномалар очик тендер жараёни орқали амалга оширилиши лозим. Бунда давлат маблағлари эвазига амалга ошириладиган таниш-билишчилик асосида амалга сайданиш (крониизм) ва сиёсий ҳимоя қилиш ҳолларини кисқартиришга ёрдам беради.

Коррупция ҳам терроризим каби ишончли ахборотларнинг етишмаслиги туфайли гуллаб яшнайди. 1987 йил тинчлик бўйича нобель мукофоти олган Оскар Ариас Санчес қуидагиларни таъкидлаган: “Биз коррупциянинг саратонини(рак)



секинлаштирганимиз учун умидсизликка тушмаслигимиз керак. Биз коррупциянинг дунё миқёсида кучайиб бораётганлиги ҳақида қанча қўп гапирсак, яхши бошқарувга бўлган талаблар тўлқинини ҳам шунчалик қўллашимиз керак. Бугун раҳбар ходимлар коррупция муаммоси мамлакат ичида ва халқаро саҳналарда муҳокама қилиниши зарурлигини тан ола бошладилар”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Коррупцияга қарши курашдаги илғор амалиётлар” қўлланмаси.
2. Транспаренси Интернешнл Мамлакатнинг Миллий ҳалоллик тизими бўйича ҳисоботи журнали.
3. Бирлашган Қиролликнинг давлат стандартлари: <http://www.public-standards.gov.uk>.
4. Европа комиссиясининг ҳужжатлар ва ҳисоботлар бўйича стратегияси 2003:http://www fifoost org/EU/strategy_en2002/index7.php
5. Жаҳон Банки – Давлат бошқарув сиёсатига оид тадқиқотлар журнали.